

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**60910100– Стоматология (йўналишилар бўйича)  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

**Тошкент**

## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН**

- Тошкент давлат стоматология институти.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202\_\_йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофик ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/п		бет
<b>1.</b>	<b><i>60910100 – Стоматология (йўналишилар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи ...</i></b>	<b>4</b>
1.1.	Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>60910100 – Стоматология (йўналишилар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланиши .....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларнинг асосий фойдаланувилари .....	4
1.2.	<i>60910100 – Стоматология (йўналишилар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар кабий фаолиятларининг таснифи .....</i>	4
1.2.1	<i>60910100 – Стоматология (йўналишилар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари .....</i>	4
1.2.2.	<i>60910100 – Стоматология (йўналишилар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари .....</i>	5
1.2.3.	<i>60910100 – Стоматология (йўналишилар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари .....</i>	5
1.2.4.	<i>60910100 – Стоматология (йўналишилар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари .....</i>	5
<b>2.</b>	<b><i>60910100 – Стоматология (йўналишилар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар .....</i></b>	<b>7</b>
2.1.	Умумий компетенциялар .....	7
2.2.	Касбий компетенциялар .....	8
	<b><i>Библиографик маълумотлар</i></b>	<b>9</b>
	<b><i>Келишиув вараги</i></b>	<b>10</b>

## **1. 60910100 – Стоматология (йўналишлар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

**60910100 – Стоматология (йўналишлар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклда амалга оширилади. Таълим шакли ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврит дастурининг меъёрий мудати 5 йил.

### **1.1. Кўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 60910100 – Стоматология (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши**

Малака талаби **60910100 – Стоматология (йўналишлар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча тиббиёт ва фармацевтика олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмууни ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўкув режа ва ўкув дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул, хамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёрғалик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режа ва ўкув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalари;
- бакалавр битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтихон комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар уларнинг отаоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 60910100 – Стоматология (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

##### **1.2.1. 60910100 – Стоматология (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**60910100 – Стоматология (йўналишлар бўйича)** “Соғлиқни сақлаш” - таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у касбий фаолиятини давлат ва нодавлат клиникалар, ташкилотлар, муассасалар, давлат бошқарув органларида, соғлиқни сақлаш тизимининг муассасаларида стоматологияни ривожлантириш, стоматологик касалликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланган ҳолда беморларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш, стоматологик ёрдам ва диспансер кузатув фаолиятининг усуллари ва услубарининг сифатини ошириш (даволаш-профилактик, тиббий-ижтимоий) бўйича комплекс масалаларни ечиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот марказлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий-тадқиқот ишларида иштирок этишни ўз ичига олади.

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 60910100 – Стоматология (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:**

- соғлиқни сақлаш тизимидағи жараёнлар, соғлиқни сақлаш тизимида тегишли дастурлар, стандартлар, илмий мақолалар, тезислар, илмий-тадқиқот ишлари, меъёрий хужжатлар, маълумотномалар, ҳисоботлар;
- тиббиёт асбоб-ускуналари, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, воситалар, усул ва услублар мажмуаси;
- жамият, аҳоли, оила, bemорлар, тиббиёт-стоматологик ёрдамга муҳтоҷ қариялар, катталар ва болалар, аёллар ва эркаклар;
- илмий-тадқиқот жараёни.

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият обьектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.3. 60910100 – Стоматология (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- тиббиёт-профилактик;
- тезкор ва шошилинч тиббиёт ёрдам;
- ташхислаш ва даволаш;
- реабилитация;
- тиббиёт-ижтимоий;
- ташкилий- бошқарув;
- илмий-тадқиқот фаолияти.

*Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. 60910100 – Стоматология (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари:**

60910100 – Стоматология (йўналишлар бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Тиббиёт-профилактик фаолиятида:**

- саломатлик, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, шунингдек, стоматологик маданият, санитар-гигиеник тарбия, рационал овқатланиш, заарли одатлар билан курашиш, ўсмирларни соғломлаштириш, она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- соғлиқни сақлаш тизимишининг бирламчи бўғинида бирламчи, иккиласида ва учламчи профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- аҳоли орасида кенг тарқалган стоматологик касалликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- сурункали стоматологик касалликларни эрта аниқлаш мақсадида профилактик ва мақсадли тиббиёт кўрик ўтказиш, аҳолининг умумий диспансеризациясини амалга ошириш;

- тиббий-профилактика фаолиятида илғор, замонавий технологияларни жорий этиш.

**Тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам фаолиятида:**

- шошилинч ҳолатларни ўз вактида аниклаш;
- касалхонагача бўлган тез тиббий ёрдамни қўрсатиш;
- ахолига касалхонагача бўлган шошилинч стоматологик ёрдамни қўрсатиш;
- қўрсатмага кўра касалхонага йўлланма бериш.

**Ташхислаш ва даволаш фаолиятида:**

- ахоли орасида стоматологик касалликларни эрта ташхислаш;
- умумий амалиёт стоматология фаолиятида замонавий ташхислаш усулларидан фойдаланиш;
- кенг тарқалган стоматологик касалликларни замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда тўғри даволаш;
- bemorlarни қўрсатмага кўра тор мутахассислар билан биргаликда текшириш ва даволаш;
- ўз фаолиятида далилларга асосланган тиббиёт стандартларидан фойдаланиш.

**Реабилитация фаолиятида:**

- стоматологик касалликлар бўйича реабилитация чора тадбирларини ўтказишига қўрсатма ва қарши қўрсатмаларни, муддатларини тўғри аниклаш;
- реабилитация чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;
- bemorlar ўртасида реабилитация ўтказишида замонавий усуллардан фойдаланиш.

**Тиббий-ижтимоий фаолиятида:**

- ижтимоий соҳа химоя органлари ва раҳм-шафқат хизматлари билан ҳамкорликда тиббий-ижтимоий хизмат турларини ташкиллаштириш ва хизмат қўрсатиш;
- ахоли ўртасида жисмоний, тиббий-ижтимоий ва психологик нуфузни тиклаш ва ривожлантириш.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўгинидаги даволаш-профилактика муассасаларида ишни ташкиллаштириш ва бошқариш;
- тиббиёт соҳасидаги бошқарувни ижтимоий-иктисодий ривожланиш тенденцияларига мос тарзда такомиллаштириш;
- ахоли соғлиги ҳолатининг асосий қўрсаткичларини режалаштириш, таҳлил қилиш ва хисобот тайёрлаш.

**Илмий - тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ахборотни ҳимоялашга оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришида иштирок этиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- ахборот хавфсизлигига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- касбий фаолият обьекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиши, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини тадбик этишда қатнашиш;

— маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш.

## **2. 60910100 – Стоматология (йўналишилар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

### **2.1. Умумий компетенциялар (УК):**

-ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммо ва жараёнларни таҳлил қилиш, турли касбий ва ижтимоий фаолиятида гуманитар, табиий-илмий, тиббий-биологик ва клиник фанлар усулларини амалиётда қўллаш қобилияти ва тайёрлиги (УК-1);

-дунё қарашга оид, ижтимоий ва шахсга қаратилган фалсафага оид муаммоларни, асосий фалсафа тоифаларини таҳлил қилиш, ўзини такомиллаштириш қобилияти ва тайёрлиги(УК-2);

-муҳим сиёсий воқеалар ва тенденцияларни таҳлил қилиш, сиёсий ҳаётда маъсулият билан иштирок этиш, асосий тушунчалар, жаҳон тарихий жараёнининг қонуниятларини билиш. Миллий мустақиллик ғояларини тушиниш ва тарғибот қилиш, ўз мамлакатига ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш; тарихий обидалар ва анъаналарга ҳурмат ва эҳтиром қилиш, давлат сиёсатини баҳолаш қобилияти ва тайёрлиги(УК-3);

-мамлакатнинг энг янги тарихини ва тарихий-тиббий атамаларни билиш қобилияти ва тайёрлиги(УК-4);

-ўз-ўзини ривожлантиришга, ўзини англашга, ўз-ўзини тарбиялашга, фойдаланишга тайёрлик, ижодкорликка эгалиги(УК-5);

- жамоада ишлашга тайёрлик, ижтимоий бағрикенглик этник, конфессионал ва маданий фарқларга тайёрлиги (УК-6);

-ахборот хавфсизлигининг асосий талабларини ҳисобга олган ҳолда ахборот, библиографик ресурслар, тиббий-биологик терминология, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини ҳал қилишга тайёрлик (УК-7);

-иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларни умумлаштирадиган бозор хўжалик юритиш механизmlарини билиш қобилияти ва тайёрлиги(УК-8);

-мантиқий ва асосланган таҳлил қилиш, оммада нутқ сўзлаш, мулоқот ва суҳбат олиб бориш, касбий мазмундаги матнларни таҳрирлаш, ҳамкорлик қилиш ва низоларни ечиш, бағрикенглик қилиш қобилияти ва тайёрлиги(УК-9);

-ҳаётда сўзлаш даражасида чет эл тилларидан бирини билиш, давлат тилида ёзма ва оғзаки коммуникация қилиш қобилияти ва тайёрлиги(УК-10);

-ўз фаолиятини жамиятда қабу л қилинган маънавий ва хуқуқий меъёрларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш, шифокорлар этикаси, маҳфий ахборот билан ишлаш бўйича қонун ва хуқуқий-меъёрий хужжатларга амал қилиш, шифокорлар сирини сақлаш қобилияти ва тайёрлиги(УК-11);

- фавқулотда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш техникаси ва ҳимоя усулларидан фойдаланишга тайёрлик (УК-12);

- асосий физик, кимёвий, математик ва бошқалардан фойдаланишга тайёрлик касбий муаммоларни ҳал қилишда бошқа табиий фанлар концепциялари ва усулларини билиш (УК-13);

- дориларни ва бошқаларни тиббий ишлатишга тайёрлиги касбий муаммоларни ҳал қилишда моддалар ва уларнинг комбинациясидан фойдалана олиш (УК-14);

-морфофункционал, физиологик ҳолатларни баҳолаш қобилияти ва касбий муаммоларни ҳал қилиш учун инсон танасидаги патологик жараёнларни билиш (УК-15);

- муолажаларда кўзда тутилган тиббий асбоблардан фойдаланишга тайёрлик тиш касалликлари билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш (УК-16).

## **2.2. Касбий компетенциялар (КК): профилактик тадбирлар:**

- соғликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, стоматологик касалликларининг келиб чиқиши ва (ёки) тарқалишининг олдини олиш, уларнинг эрта ташхиси, уларнинг келиб чиқиши ва ривожланиш сабаблари ва шароитларини аниқлаш, шунингдек, инсон саломатлигига экологик омилларнинг заарарли таъсирини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмuinи амалга ошириш қобилияти ва тайёрлиги (КК-1);

- профилактик тиббий кўриклар ўтказиш қобилияти ва тайёрлиги, тиббий кўриклар ва стоматологик патологияси бўлган беморларни диспансеризацияси ва диспансер назоратга олиш (КК-2);

- радиацион вазият, табиий офтальм ва бошқа фавқулодда вазиятлар ёмонлашган тақдирда эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш, айниқса хавфли инфексиялар ўчоқларида ахоли муҳофазасини ташкил этиш қобилияти ва тайёрлиги (КК-3)

- стоматологик касалликлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва тиббий-статистик таҳлил қилишнинг ижтимоий-гиеник усулларидан фойдалана олиш ва тайёрлик (КК-4);

### **диагностик тадбирлар:**

- бемор шикоятларини, унинг анамнез маълумотларини, текширув натижаларини, лаборатория, инструментал, патоанатомик ва бошқа тадқиқотларни ҳолатини аниқлаш ёки стоматологик касаллигининг мавжудлиги ёки йўқлиги (КК-5);

-касаллик ва соғлик билан боғлиқ муаммоларнинг халқаро статистик таснифига мувофиқ беморларда стоматологик касалликларининг асосий патологик ҳолатлари, белгилари, синдромлари, нозологик шаклларини аниқлаш қобилияти (КК-6);

- вақтинчалик ногиронлик текширувни ўтказишга, тиббий-ижтимоий кўрикда иштирок этишга, инсоннинг биологик ўлимини белгилашга тайёрлик (КК-7);

### **тиббий фаолият:**

- турли стоматологик касалликлари билан оғриган беморларни бошқариш тактикасини аниқлаш (КК-8);

- амбулатория ва кундузги шифохона шароитида стоматологик касалликлар билан оғриган беморларни бошқариш ва даволашга тайёрлик (КК-9);

- фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатишда иштирок этишга тайёрлик, шу жумладан тиббий эвакуацияда иштирок этиш (КК-10);

### **реабилитация фаолияти:**

- тиббий реабилитация ва курорт даволашга муҳтоҷ тиш касалликлари билан оғриган беморларда табиий терапевтик омиллар, доривор, дори-дармонсиз терапия ва бошқа усуллардан фойдаланиш зарурлигини аниқлашга тайёрлик (КК-11);

### **психологик-педагогик фаолият:**

-аҳолини соғломлаштирувчи табиатнинг асосий гигиеник тадбирларини, саломатликни сақлаш ва рағбатлантиришга ёрдам берувчи асосий физиологик кўрсаткичларни ўз-ўзини назорат қилиш кўнинмаларини ўргатишга тайёрлик, стоматологик касалликларининг олдини олиш (КК-12);

- хавф омилларини бартараф этиш ва соғлом турмуш тарзи кўнинмаларини ривожлантириш учун ўқув фаолиятига тайёрлик (КК-13);

### **ташкилий-бошқарув фаолияти:**

- жамоат соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида, тиббиёт ташкилотлари ва уларнинг таркибий бўлинмаларида ташкил этиш ва бошқаришнинг асосий тамойилларини қўллай олиш (КК-14);

- асосий тиббий-статистик кўрсаткичлар ёрдамида стоматологик ёрдам сифатини баҳолашда иштирок этишга тайёрлик (КК-15);

- фавқулодда вазиятларда, жумладан, тиббий эвакуацияда тиббий ёрдамни ташкил этиш қобилияти (КК-16);

**тадқиқот фаолияти:**

- далилларга асосланган тиббиёт асосида тиббий маълумотларни таҳлил қилиш ва оммага тақдим этишга тайёрлик (КК-17);

- илмий тадқиқотларда иштирок этиш қобилияти (КК-18);

-аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган янги усул ва методларни жорий этишда иштирок этишга тайёрлик (КК-19).

## **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОҚС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

Касбий фаолият тури, компетенция, модул, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалаврнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатини баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, тиббий билим, соғлиқни сақлаш тизими, амалий кўникмалар, ташкилий -бошқарув фаолияти, даволаш фаолияти, тиббий-профилактик фаолияти, тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам фаолиятида, реабилитация фаолияти тадқиқот фаолияти, касаллик, даволаш муассасалари, профилактика, даволаш усуллари, диагностика.

## **КЕЛИШУВ ВАРАҒИ**

### **ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:**

**Тошкент давлат стоматология институти**

Ректор \_\_\_\_\_ **Н.К. Хайдаров**

201\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

М.Ү.

### **КЕЛИШИЛДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълим министрлари  
ривожлантириш тадқиқотлари ва  
илгор технологияларни тадбиқ  
этиш маркази**

Директор в.б. \_\_\_\_\_ **М.Эсанов**

202\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

М.Ү.

**Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Фан ва тиббий таълим Бош  
бошқармаси**

Бошлиқ \_\_\_\_\_ **А.Махмудов**

202\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_

М.Ү.

**Самарқанд давлат тиббиёт  
институти**

Ректор \_\_\_\_\_ **Ж.Ризаев**

201\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_  
М.Ү.

**Бухоро давлат тиббиёт  
институти**

Ректор \_\_\_\_\_ **Ш. Тешаев**

201\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_  
М.Ү.

**“IDEAL PROF PLUS” МЧЖ  
директори**

\_\_\_\_\_ **Н. Адилова**  
М.Ү.

**“LUQMON DENT” МЧЖ  
директори**

\_\_\_\_\_ **У. Хабилова**  
М.Ү.